



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2018 йил “ 4 ” апрель

№ 310

Тошкент ш.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар**  
**Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги**  
**261-сон қарори ижросини таъминлаш**  
**тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида

**БУЙУРАМАН:**

1. Вазир ўринбосарлари, бошқарма ва бўлим бошлиқлари, вазирлик ҳузуридаги ташкилотлар раҳбарлари ҳамда олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорлари ва филиаллар директорларига: олий таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ходимлари ва талабаларни мазкур қарор мазмун-моҳияти билан таништириш;

қабул комиссияси фаолиятини мазкур қарорни инобатга олган ҳолда юқори савияда ташкил этиш;

мазкур қарорни қабул комиссиялари фаолият кўрсатадиган жойлардаги эълонлар тахтасига ҳаммага кўринарли ҳолатда илиб қўйиш ва абитуриентларнинг (ота-оналарининг) қарор билан тасдиқланган низом ва Ҳукуматнинг айрим қарорларига киритилган ўзгартиришлар бўйича саволлари юзасидан аниқ тушунча ва маслаҳатлар бериш бўйича тегишли чораларни кўриш вазифалари юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорини ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Кадрлар тайёрлаш ва олий таълим муассасаларини ташкилий методик таъминлаш бош бошқармаси (А.Холиқов), Бош ҳуқуқшунос (Р.Сулейманова)га тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни мазкур қарорга мувофиқлаштириш бўйича таклифларни жорий йилнинг 25 апрелига қадар Давлат тест марказига тақдим этилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин.

5. Мазкур буйруқ ижросининг назорати вазирнинг биринчи ўринбосари Д.Набиевга юклатилсин.

**Вазир**



**И.Маджидов**

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
2018 йил “ ” апрелдаги “ ”-сон буйруғига  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорини ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамиятининг аҳоли ўртасида тушунтирилиши юзасидан чора-тадбирлар РЕЖАСИ**

Т/р	Тадбир номи	Бажариш муддати	Масъул бажарувчилар
1.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорини тизимдаги барча идораларга электрон шаклда юбориш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжаг келиб тушган кун	Назорат ва мониторинг бошқармаси, Девонхона
2.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорини ўз расмий веб сайтларига жойлаштириш.	Бир кун	Олий таълим муассасалари, Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси
3.	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда уларнинг ҳудудий идораларида “Ҳуқуқий билимлар” ўқув машғулотларини жорий этиш, малакали мутахассислар, олимлар, экспертларни жалб этган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжаг ва ахборот-таҳлилий материалларнинг ўқиб ўрганилишини ташкил этиш.	Уч кун	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълим муассасалари ва филиаллари
4.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорининг ижросини ташкил этиш, ижрочиларга етказиш ва аҳоли ўртасида моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришни ташкил этиш, қарорнинг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтириш бўйича, ОТМларда ҳуқуқий тарғибот гуруҳларини шакллантириш ва тасдиқлаш.	Уч кун	Олий таълим муассасалари ва филиаллари
5.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорининг моҳияти ва аҳамиятини тушунтиришга қаратилган материаллар тайёрлаш, унинг матнини ўзбек ва рус тилларида расмий веб-сайтларга жойлаштириш.	Икки ҳафта	Олий таълим муассасалари ва филиаллари, Ўқув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш бошқармаси

6.	<p>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 3 апрелдаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 261-сон қарорининг мақсади, мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган мақола, материал ва экспертларнинг шарҳларини “uz” доменнида давлат рўйхатига олинган веб-сайтларда жойлаштириш.</p>	Бир ҳафта	Олий таълим муассасалари ва филиаллари
7.	<p>Тарғибот тадбирларида аҳоли томондан қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифларни (мавжуд бўлса) ўрганиш, умумлаштириш ва тегишлилиги бўйича киритиш (зарур ҳолларда, белгиланган тартибда ижтимоий сўровлар ўтказиш).</p>	2018 йил 28 апрель	Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси, Маънавият ва маърифат маркази, Бош юрисконсулт
8.	<p>Мазкур чора-тадбирлар ижроси ҳақида Вазирликка таҳлилий ва статистик маълумотлар киритиш</p>	2018 йил 30 апрель	Олий таълим муассасалари ва филиаллари
9.	<p>Мазкур чора-тадбирлар ижросини мониторинг қилиш, умумлаштириш ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ахборот киритиш</p>	2018 йил 2 май	Маънавий ахлоқий тарбия бошқармаси, Маънавият ва маърифат маркази


ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
BAZIRLAR MAHKAMASINING

QARI



POSTANOVLENIE  
KABINETA MINISTROV  
RESPUBLIKI UZBEKISTAN

3 " aprel' 2018 y. g. № 261



Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Республика олий таълим муассасалари бакалавриатига кириш тест синовларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида" 2017 йил 16 ноябрдаги ПҚ-3389-сон қарорига мувофиқ олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилишда тест синовларини очиқ ва ошқоранга ўтказиш ҳамда биллимли ёшларни ўқишга қабул қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилди:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриатига ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ:

Бакалавриатга тест синовларисиз, касбий (ижодий) имтиҳонлар орқали ўқишга қабул қилиш бўйича таълим йўналишлари рўйхати 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг 3-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги Давлат тест маркази маърағадор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Маъмур қарорининг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Қ.В. Ақмалов, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Хузуридаги Давлат тест маркази директори М.М. Каримов ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги И.У. Малжиқов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазир

А. Арплов



Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг  
бақаларинатига ўқинишга қабул қилиш учун қириш тест синовларини  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги  
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда олий таълим муассасалари деб аталади) бақаларига ўқинишга қабул қилиш учун қириш тест синовларини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низом харбий таълим муассасаларига ва Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган хорижий олий таълим муассасаларига (филиалларига) ўқинишга қабул қилиш бўйича тест синовларини ўтказишга нисбатан таъбиқ этилмайди.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:  
абитуриент – олий таълим муассасаларининг қабул комиссиясига ҳужжат топширган, Давлат тест марказининг руҳсатномасига эга бўлган, тест синовни қонунларига қатъий амал қилган ҳолда белгилаган гуруҳда тест синовларида иштирок этувчи талаботчи;

абитуриент руҳсатномаси – паспорт (у бўлмаган ҳолда шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжат) билан биргаликда абутириентнинг белгилаган сана ва вақтда тест синовларини иштирок этинига руҳсат берилган ҳужжат;

бино раҳбари – Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан таъинловчилик, белгилаган вазифа ва мажбуриятлар бўйича бинодаги гуруҳ раҳбарлари ва абитуриентлар харакатларига умумий раҳбарликни бажарувчи, назерин килувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим;

гуруҳ назоратчиси – Давлат тест маркази билан тузилган шартнома асосида шартномада белгилаган вазифа ва мажбурият бўйича тест синовларида абитуриентлар харакатига умумий раҳбарликни амалга ошириш, тест синовнинг белгилаган тартиб бўйича ўтишини қатъий назорат қилишга масъул бўлган ва абитуриентларга тест синовини топшириш тартиби бўйича амалий ёрдам кўрсатиш учун жамб қилинган ва тест синовлари ўтказилиши билан боғлиқ семинарда иштирок этган шахс;

жавоблар варақаси – тест топшириқлари китобидаги хар бир топшириқнинг бажарилиши натижасида таъинлан жавобнинг биттасини белгилашга мўлжалланган ва абитуриентнинг билганини баҳолаш учун асос ҳисобланадиган ягона ҳужжат;

олий таълим муассасасининг қабул комиссияси (кейинги ўринларда қабул комиссияси деб аталади) – олий таълим муассасаси ректори (филиал директор)нинг буйруғи билан тасдиқланадиган, белгилаган вазифалар бўйича таълим йўналишларига абитуриентлар ҳужжатларини қабул қилувчи, уларга тест

синовлари жараёни бўйича маслаҳатлар, кўрсатмалар берувчи, тест синовларини ўтказилишнинг таъкилий масалаларида иштирок этувчи орган;

тест топшириқлари китоби – белгилаган фанлар мажмуаси бўйича тест топшириқларини ўз ичига олган саволлар тўплами;

титул варақаси – абитуриент ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олган, олий таълим муассасасининг қабул комиссияси томонидан тест синовни натижалари қайд этиладиган ҳужжат;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази вақили (кейинги ўринларда Давлат тест маркази вақили деб аталади) – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази (кейинги ўринларда Давлат тест маркази деб аталади) директорининг буйруғи билан таъинланадиган, тест синовлари ўтказиладиган тегишли ҳудуд ва бинода белгилаган вазифа ва мажбуриятлар бўйича амалга ошириладиган тадбирларга умумий раҳбарлик қилувчи ҳамда тест синовни иштирокчиларининг вазифаларига мувофиқ ҳаракатини назорат қилувчи ва амалий ёрдам кўрсатувчи ходим.

4. Тест синовларини адолатли ва хонсона ўтказиш мазкур Низом талабларига қатъий риоя этган ҳолда олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат тест маркази вақиллари, бино раҳбарлари, гуруҳ назоратчилари томонидан таъминланади.

Мазкур Низомда белгилаган талабларга мувофиқ тест синовларини ўтказиш бўйича ташкилий ишлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари томонидан таъминланади.

5. Тест синовлари ўтказиладиган гуна Давлат тест марказининг тегишли руҳсатномасига эга бўлмаган шахсларнинг тест синовлари ўтказилиши белгилаган ҳудудга кириши таъқиқланади.

6. Тест синовлари қундузги, махсус сиртки ва кечки (сменали) таълим шакли учун хар йили 1 августдан 15 августгача бўлган муддатда, қоида тарихасида, қунга икки смнада ўтказилади. Биринчи смна соат 08:00 да, иккинчи смна соат 15:00 да бошланади.

Абитуриент тест синовлари бошлангандан сўнг бинога тегишли ҳудудга киригимайди.

7. Абитуриент руҳсатномасида кўрсатилган сана ва вақтда тест синовларида иштирок этади.

Абитуриент учун мазкур сана ва вақт қатъий ҳисобланиб, унга бошқа сана ва вақтда тест синовларида иштирок этиш учун руҳсат берилмайди.

8. Тест топшириқлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари ўқув дастурларига мувофиқ тузилади.

9. Абитуриентлар танлаган таълим йўналишига қараб тегишли равишда бир, икки ёки учта фан мажмуаси бўйича тест синовини топширади.

10. Тест топшириқлари китобидаги мажжуд хар бир фан 30 тадан тест топширигини ўз ичига олади.

11. Тест топшириқларини бажариш учун (жавоблар varaкасани тўлдиршиш билан бирга) 30 та тест топшириғига 1 соат, 60 та тест топшириғига 2 соат, 90 та тест топшириғига 3 соат вақт белгиланади.

12. Абитурientларнинг талабалика тавсия этилгани ёки этилмагани тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган тест синовлари натижалари тест синови ўтказилган куннинг эртасига Давлат-тест марказининг расмий веб-сайтида эълон қилинади ҳамда олий таълим муассасаларига етказилади.

13. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш учун кириш тест синовларини ташкил этиш мазкур Низомга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

## 2-боб. Тест синовларига тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказиш

### 1-§. Тест синовлари ўтказиладиган жойларга қўйиладиган умумий талаблар

14. Тест синовлари Тошкент шаҳридаги “Ўзэксломарказ” миллий кўرғазмалар мажмуаси павильонларида ва унинг ҳудудида ўрнатиладиган қўшмача йиғма павильонларда, шунингдек, катта сингмдаги бошқа биноларда, вилоят марказларида эса – олимпиа захиралари коллeжлари ёки бошқа ташкилотларнинг катта сингмдаги биноларида ўтказилади.

15. Биноларни тайёрлаш, видеокузатувлар орқали жамоатчилик, шу жумладан абитуриентлар ота-оналарининг кириш тест синовлари жараёнини онлайн тарзда кузатиб боришлари, абитуриентларни шахона идентификациялан воситалари ҳамда видеофиксация қурилмалари орқали бинога тегишли ҳудудга кириштириш, бинолардаги ва ҳизмат-постлардаги видео ёзувлар сизкиниши учун шароитлар яратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимликлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи томонидан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи ўтказиладиган тест синовлари жараёни бўйича видео ёзувларни сақлайди ва уларни тест синовлари ўтказилган куннинг эртасига Давлат тест марказига топширади.

16. Гуруҳ назоратчилари ва абитуриентларни тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга назорат мизмати постлари орқали кириштириш, тадбир жараёнида жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиғи ҳамда олий таълим муассасаларининг қабул комиссиялари томонидан амалга оширилади.

17. Ҳудуд бўйича бош штабда, тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир бинода Давлат тест марказининг вазелига тест материалларини сақлаш, тарқатиш ва йиғиб олиш учун мўлжалланган етарли миқдорда стол, стуллар, компьютер, сканер, стационар телефон алоқаси, доимий видеокузатув ва сейф билан таъминланган махсус хона (штаб) тайёрланади. Бунда бинонинг ҳолати санитария қондслари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб бериши лозим.

18. Бинода тест синовлари жараёнини тўлиқ назорат қилиш мақсадида қоида тариқасида, 30 нафар абитуриент учун битта видеокузатув тизими ўрнатилиши, жараёни абитуриентларнинг ота-оналари онлайн тарзда кузатиши учун зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши шарт.

Бинода бир нафар абитуриентга қоида тариқасида, 2 м<sup>2</sup> дан кам бўлмаган жой тайёрланади.

19. Ҳудудлар бўйича тест синовлари ўтказиладиган бино ва гуруҳларнинг алоҳида тартиб рақами тақрорланмайдиган кетма-кетликда рақамланган бўлиши лозим.

20. Ҳар бир гуруҳ алоҳида ўтириш ўрнига эга бўлган 30 тадан стол ва стул билан таъминланиб, столлар бирдан ўттизгача рақамланиши лозим.

Гуруҳ назоратчиси учун тест материалларини тарқатиш ва қабул қилишга алоҳида стол ва стул ажратилиб, стол узлуксиз видеокузатув билан таъминланган бўлиши зарур.

21. Тест ўтказиладиган ҳар бир бинони тайёрлашда унга ёруғлик тупиши, бинони шамоллатиш, абитуриентни тик тушган қўбш нуридан ҳимоялаш имкониятлари ҳисобга олинishi лозим.

22. Бинога тегишли ҳудудда ва бинога қариш жойларида гуруҳ ва абитуриентлар сони ёзилган кўрсаткичлар илиб қўйинган бўлиши шарт.

23. Тест синовлари ўтказиладиган ҳар бир ҳудудда тест жараёни учун зарур ахборот, техник, тиббий ва маиший шароитлар яратилган бўлиши лозим.

### 2-§. Тест синовларига тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказишда қабул комиссияларининг вазифалари

24. Қабул комиссияси тест синовларига тайёргарлик кўриши ва уларни ўтказиш билан боғлиқ қўйидаги вазифаларни бажаради:

қабул комиссиясининг эълонлар тахтасига қабул жараёни бошланадиган кунга қадар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриятга ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом, мазкур Низом, таълим йўналишлари, таълим шакли ва ўқитиш тили бўйича қабул квоталари, уларга мувофиқ тест синовлари ўтказиладиган фанлар мажмуаси ҳамда касбий (ижодий) имтиҳон топшириладиган таълим йўналишлари рўйхатини жойлаштириши;

қабул жараёнини уюшқоқлик билан, тартибли ташкил этиш, абитуриентларга уларнинг тест синовлари жараёнидаги вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириши, тест синовлари жараёни бўйича маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш;

ҳар йили 15 июндан 15 июлга абитуриентларнинг ўқишга қабул қилиш ҳақидаги аризаларини қабул қилиш ва абитуриентларга ҳужжатлар қабул қилинганлиги тўғрисида тилхат ҳамда мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ эслатмани бериш;

абитуриентга тест синовлари қоидалари билан тўлиқ танишгани тўғрисида тегишли рўйхатга имзо қўйдириш;

хужжат топширган абитуриентлар ҳақидаги маълумотларни хужжат топширилган куннинг ўзида қайд дафтларига ва Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган махсус дастур орқали базага киритиш ва абитуриентларнинг электрон шаклдаги фотосуратлари билан бирга Давлат тест марказига тақдим этиб бориш;

махсус дастур орқали базага махсус код, қайд рақами, таълим тури, таълим муассасасининг номи, абитуриентнинг фуқаролиги, фамилияси, исми, отасининг исми, миллати, жинси, паспорт серияси ва рақами, яшаш жойи, тутилган йили ва жойи, ижтимоий келиб чиқиши, таълим олган таълим муассасаси тури, рақами ва номи, манзили ҳамда уни тугатган йили, диплом (шаҳодатнома) ёки ўқинч ўрнини босувчи хужжат) рақами, диплом (шаҳодатнома)даги ўртacha бали, муҳлатли харбий хизматни ўтаганлар учун харбий қисм кўмондонлигининг тегишли тавсияномаси ҳамда республика ва халқаро фан олимпиадалари ғолиби эканлиги, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган чет тилини билиш даражаси (B1 ва ундан юқори бўлган) тўғрисидаги сертификат ҳақида маълумот (агар мазкур хужжатлар мавжуд бўлса) ва бошқа имтиёзга эга бўлганлар ҳамда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва кўзи оқизлар тоифасига кирувчи шахс тўғрисидаги маълумот, ўқитиш тили, ихтисослиги, чет тили ва уни топшириш усулини киритиш;

таълим йўналишлари, ўқитиш тили ва таълим шакли бўйича олий таълим муассасасига топширилган хужжатлар сони, шу жумладан, фан олимпиадалари ғолиблари, харбий ва бошқа имтиёзга эга бўлган ҳамда тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар ва кўзи оқизлар тоифасига кирувчи абитуриентлар томонидан топширилган хужжатлар ҳақидаги маълумотларни абитуриентлар ва ота-онилар эълонбори учун ҳар қуни эълон қилиб бориш;

Давлат тест марказидан ҳар йили 17 июль кунин мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ титул ырақаси ва 4-иловага мувофиқ абитуриент руҳсатномаси бандлигининг, 24 июль кунин абитуриентларга ташлуқни маълумотларни қабул қилиб олин;

маълумотлар асосида абитуриентларнинг руҳсатномалари ва титул нарсаларининг чоп этиш ҳамда тасдиқлаш;

ҳар йили 22 июлга қадар касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларини махсус дастур орқали базага киритиш ва расмийлаштирилган хужжатларни Давлат тест марказига тақдим этиш ҳамда ушбу маълумотларнинг ўлармаслигини таъминлаш ва абитуриентларга маълумот сифатида эълон қилиш. Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқиниға қабул қилиш бўйича давлат комиссиясининг абитуриентларни талабалар сафига қабул қилиш ҳақидаги қарор чакунига қалар эълонлар тахтасидан рўйхаг олимхаслигини таъминлаш;

абитуриентларга руҳсатномаларнинг ҳар йили 29-31 июль кунлари тест синуовлари ўтказиладиган биноларнинг чизма нусхаси ва абитуриентларга эслатмаи илова қилган ҳолда, қайднома асосида мазкур Низомга 5-иловада келтирилган 1-нақл бўйича тарқатилишини таъминлаш на абитуриентлар учун тест синуовлари жараёни ҳақида маслаҳатлар, кўрсатмалар бериш;

ҳар йили 31 июль кунин гуруҳлар кесимида абитуриентларнинг титул нарсаларини пакетларга солинган ҳолда Давлат тест маркази вақилига топшириш;

Давлат тест марказидан ҳар йили 16 августдан бошлаб титул нарсаларини қабул қилиб олиш.

25. Қабул комиссияси ҳар йили 16 июль кунин абитуриентлардан тушган аризалар, халқаро ва республика фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари, чет эл фуқароси бўлган абитуриентлар, харбий қисм кўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар, тўлиқ давлат таъминотидаги етим болалар тоифасидаги абитуриентлар, Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган чет тилини билиш даражаси (B1 ва ундан юқори бўлган) тўғрисидаги сертификатга эга бўлган абитуриентлар ҳақида қабул комиссиясининг раиси ва маълум котибни томонидан имзонанган маълумотларни мазкур Низомга 6-иловада келтирилган 1-6-шакллар бўйича Давлат тест марказига тақдим этади.

Абитуриент тўғрисида тақдим этилган маълумотларга 16 июлдан сўнг ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақиқланади.

26. Қабул комиссиясининг раиси ва маълум котибни Давлат тест маркази томонидан тақдим этилган руҳсатнома асосида, учда белгиланган кун, тест синуовлари ўтказиладиган бино штабида тест синуовлари жараёни кузатувчиис сифатида иштирок этади.

27. Қабул комиссияси томонидан ўзига юкланган вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш учун жавобгарлик шахсан қабул комиссиясининг раиси ва маълум котибни зиммасига юкланади.

### 3-§. Тест синуовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда Давлат тест марказининг вазифалари

28. Давлат тест маркази тест синуовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ куйидаги вазифаларни бажаради:

тест материалларнинг сифатли ва нуқсонсиз тайёрланишини таъминлаш; тест материалларининг 1 августгача ва ундан кейин белгиланган кунларда Давлат фельдъестерлик хизмати томонидан Давлат тест маркази вақилига етказилишини таъминлаш;

тест синуовлари ўтказиши билан боғлиқ семинарда иштирок этган малакали шахслар тарқибидан, қонда тарихасида, ҳар 30 нафар абитуриентга 2 нафар гуруҳ назоратчисини шартнома асосида тест синуовлари жараёнига жалб этиш;

қабул комиссияридан абитуриентлар ҳақида келиб тушган маълумотлар асосида таълим йўналишлари кесимида гуруҳларни шакллантириш ҳамда уларнинг бинолар бўйича ўтириш ўринларини белгилаш;

таълим йўналишлари кесимида абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича тақсимланган рўйхатини мазкур Низомга 5-иловада келтирилган 2-шаклга мувофиқ икки нусхала, бино раҳбари ва гуруҳ назоратчилари рўйхатини икки нусхала тайёрлаш ҳамда тасдиқланган ҳолда Давлат тест маркази вақилига етказиш;

кунлик тест синуовлари тугатилган сўнг тест материалларининг Давлат фельдъестерлик хизматида топширилишини назорат қилиш;



Давлат тест марказига олиб келинган жавоблар варақалари бўйича тест синовлари нагжаларини ҳисоблаш ва эъён қилиш.

Давлат тест маркази мазкур Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа вазифаларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4-§. Тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари

29. Қуйидагилар тест синовларига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари ҳисобланади:

ҳар йили 16 июлга қадар тест синовлари ўтказиладиган биноларни мазкур бобнинг 1-параграфда белгиланган талаблар бўйича тест синовларига тайёр ҳолатга келтириш ҳамда бу ҳақда Давлат тест марказига маълумот бериш;

абитуриентларни тест синовлари ўтказиладиган ҳудудга шахсни идентификациялаш воситалари орқали тартибли кўриштирилиши таъминлаш;

тест синовлари жараёнини видеокўзатувлар орқали онлайн тизимда ота-оналарга кўрсатиш, боп штаб ва ҳар бир бинода тезкор ахборотларни тўллаш учун уларнинг зарур моддий-техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланишини таъминлаш;

абитуриентларнинг ота-оналари ва кенг жамоатчилик учун тест синовларини онлайн режимида кузатишини таъминлаш мақсадида бинога тегишли ҳудуд ташқарисинда ўтириш жойларини белгилаш ҳамда хўтиш жойларини ташкил этиш;

тест синовларини ўтказиш учун транспорт воситалари билан таъминлашга амалий ёрдам бериш; ҳар бир ҳудуд ҳавфезлигини ва тест синовларининг тартибли ўқишини таъминлаш, назорат хизмати постларини ташкил этиш;

ҳар бир ёмғирда абитуриентлар ва гуруҳ назоратчиларини старли миқдорда ичимлик суви, хаворанг настан ишарисли рўқчалар билан ҳамда тест синовлари ўтказиладиган биноларни санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари талабларига тўлиқ жавоб беришини таъминлаш.

30. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, қабул комиссиялари бино ҳудудига ёки бинога гуруҳ назоратчилари, абитуриентлар ва бошқа шахслар томонидан микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпарталкалар ва шу кабиларни олиб киришларига руҳсат берса ёки ўзлари ташкиллагирса, мазкур ҳолат уларни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

31. Тест синовлари ўтказиладиган бинога тегишли ҳудудга кириш жойларида ташкил этилган назорат хизмати постларида микрокалькулятор, лугат, ҳодимлар томонидан текширув вақтида абитуриентга микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпарталкалар мавжудлиги аниқланган тақдирда, шу жойга бириктирилган Давлат тест маркази вакили хабардор қилинади.

5-§. Тест синовларини ўтказишда Давлат тест маркази вакили, бино раҳбари, гуруҳ назоратчиси ва абитуриентларнинг вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

32. Қуйидагилар Давлат тест маркази вакилининг вазифалари ҳисобланади: бино раҳбарлари ва гуруҳ назоратчиларига умумий раҳбарлик қилиш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш;

тест синовларининг бошланғичи ва тугашини қатъий назорат қилиш, тезкор ахборотларни Давлат тест марказига юбориш, тест синовларини адолатли, холисона ва мазкур Низомда белгиланган талаблар асосида ўқишини таъминлаш.

33. Давлат тест маркази вакили ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва қабул комиссияларига кўрсатма бериш, мазкур Низом талабларига амал қилмаган бино раҳбарини, гуруҳ назоратчисини ва абитуриентни тест синовлари жараёнидан четлаштириш ҳамда Давлат тест маркази раҳбарияти билан келишилган ҳолда четлаштирилганлар ўрнига бошқа бино раҳбарини, гуруҳ назоратчисини тайинлаш ҳуқуқига эга.

34. Қуйидагилар Давлат тест маркази вакилининг мажбуриятлари ҳисобланади:

ўзига бириктирилган бинода тест ўтказиш тартибига қатъий риоя этилишини таъминлаш;

белгиланган саналарда эрталаб соат 05:30 дан кейинмасдан ўзига тегишли бинога етиб келиш ва назорат хизмати пости орқали паспорти (руҳсатнома ёки гувоҳнома) билан кириш;

бино раҳбарлари ва гуруҳ назоратчилари рўйхатини хизмат постларига етказишни таъминлаш;

тест материаллари солинган захира қўтиларни сейфга жойлаштириб, муҳранигини таъминлаш;

абитуриент тест синовлари қоидаларини бузган ҳолда, уни тест синовларидан четлаштириш тўғрисида гуруҳ назоратчиларига жавоблар варақасининг 4-бўлимини расмийлаштириш учун кўрсатма бериш;

тест синовлари тугатилган сўнг абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхати солинган ва муҳрланган пакетларни, тест материаллари қўтиларини мазкур Низомга 7-июлда келтирилган тест материаллари қўтиси ресестри асосида Давлат фельдъегерлик хизмати ҳодимларига топшириш.

35. Давлат тест маркази вакили абитуриентларга микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпарталкалар ва шу кабиларни берса ёки фойдаланилаётган ҳолатларда уларни тест синовларидан четлаштириш тўғрисида кўрсатма бермаса, мазкур ҳолат уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

36. Давлат тест маркази вакили Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан алмаштирилиши мумкин.

37. Мазкур Низоми талаблари асосида ўзига бириктирилган бинодаги гуруҳ назоратчилари фаолиятини ва абитуриентларнинг тест топширишини назорат қилиш бино раҳбарининг вазифаси ҳисобланади.

38. Бино раҳбари ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун Давлат тест маркази вақлидан амалий ёрдам олиши, мазкур Низоми талабларига амал қилмаган гуруҳ назоратчисини, абитуриентни тест синовлари жараёнидан четлаштириш ҳамда Давлат тест маркази вақли билан келишилган ҳолда гуруҳ назоратчисини тайинлаш ҳуқуқига эга.

39. Қуйидагилар бино раҳбарининг мажбуриятлари ҳисобланади:  
 белгиланган саналарда эрталаб соат 05:30 дан кечикмасдан ўзига тегишли бинога етиб келиш ва назорат хизмати постни ордани паспортга (руҳсатнома ёки гувоҳнома) билан кириши;

эрталаб соат 06:00 дан 06:30 гача гуруҳ назоратчиларига мазкур Низомига 8-иловага мувофиқ уларнинг руҳсатномаларини тарқатиш ва тақсимотини расмийлаштириши;

биринчи сменада соат 06:30 дан 07:00 гача, иккинчи сменада соат 13:30 дан 14:00 гача абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини (икки нусخада) ва титул varaқаларини, мазкур Низомига 9-иловада келтирилган 1-шакл бўйича тест материалларини тарқатиш ва қабул қилиш баённомасини расмийлаштириши; тест материаллари солинган захира кўтиларини сейфга жойлаштириб, муҳриши;

ўзига бириктирилган бинодаги гуруҳ назоратчиларидан абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатининг бир нусхасини тест синовлари жараёни бошланишидан сўнг 30 дақиқа ичида йиғиб олиш, ундаги ахборотнинг 30 дақиқа ичида Давлат тест марказига электрон шаклда юборилишини таъминлаш;

абитуриент тест материаллари титлографик хатомик борлиги ҳақида мувожаз қилиса, зудлик билан захира кўтиларидан таълим йўналиши ва тилига мос тест материалларини гуруҳ назоратчисига бериш ва мазкур Низомига 9-иловада келтирилган 2-шакл бўйича захира тест материалларини тарқатиш баённомасини расмийлаштириши;

гуруҳларда тест синовларини ўтказиш тартибини бузган абитуриентларнинг тестдан четлаштирилишини ва бу ҳақда жавоблар varaқасининг 4-бўлими расмийлаштирилишини назорат қилиш; тест синовининг тугаш вақтига қатъий амал қилиш;

биринчи сменада учта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун соат 11:00 дан 11:20 гача, иккинчи фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 10:00 дан 10:20 гача, битта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 09:00 дан 09:20 гача; иккинчи сменада учта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун соат 18:00 дан 18:20 гача, иккинчи фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 17:00 дан 17:20 гача, битта фандан тест топшириқларини бажарувчи абитуриентлар учун 16:00 дан 16:20 гача мазкур Низомига 10-иловада келтирилган 1-3-шакллар бўйича жавоблар varaқаси пакети, тест топшириқлари китоби пакети, титул varaқалари пакетини

гуруҳларда муҳриларини назорат қилиш ҳамда гуруҳ назоратчиларидан тест материаллари кўтиларини муҳриланган ҳолда қабул қилиб олиш;

абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхати солинган ва муҳриланган пакетни ҳамда тест материаллари кўтиларини реестр асосида Давлат тест маркази вақлига топшириш.

40. Бино раҳбари абитуриентларга микрокалькулятор, лугат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари, шпаргалкалар ва шу қабиллари берса ёки ишлатишга имконият яратса, фойдаланмаётган ҳолатда кўриб туриб тест синовларидан четлаштириш учун кўрсатма бермаса, мазкур ҳолат учун белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

41. Тест синови ўтказилаётган гуруҳда мазкур Низоми талабларига қатъий риоя қилиш ва адолатли ўтказилишини таъминлаш гуруҳ назоратчисининг вазифаси ҳисобланади.

42. Гуруҳ назоратчиси ўзига юкланган вазифаларни самарали амалга ошириш учун бино раҳбаридан амалий ёрдам олиши, мазкур Низоми талабларига амал қилмаган абитуриентни тест синовлари жараёнидан четлаштириш ҳуқуқига эга.

43. Қуйидагилар гуруҳ назоратчиларининг мажбуриятлари ҳисобланади:  
 тест синовлари ўтказилаётган кунни ўзи бириктирилган бинога соат 05:30 дан кечикмасдан ордиқча буюмларсиз (уяли телефон, микрокалькулятор ва шу қабиллар) паспортга билан етиб келиш ва соат 06:00 дан 06:30 гача бино штабда ўзларига тегишли руҳсатномаларни олиш ва ўзига бириктирилган гуруҳнинг тест синовларига тайёрлигини текшириш, жараёнга салбий таъсир этувчи омиллар аниқланганда, уларни бартараф этиш чораларини кўриш;

гуруҳдаги столларнинг кетма-кетликда рақамланганлигини текшириш; белгиланган вақтларда бино раҳбаридан абитуриентларнинг гуруҳлар бўйича рўйхатини, титул varaқаларини ҳамда тест материаллари кўтисини қабул қилиб олиш;

абитуриентнинг руҳсатномаси, титул varaқасидаги расми ва паспортга асосида текшириб (расмлар шу абитуриентга тегишлилигига ишонч ҳосил қилиб), уларни гуруҳ рўйхати бўйича белгиланган жойига ўтиришни таъминлаш ҳамда тест синовларига келмаган абитуриентларнинг ўрнини бўш қолдириш;

тест синовларига келган абитуриентга тегишли титул varaқасини бериш; тест материаллари кўтисига абитуриентлар сонига мос тест топшириқлари китоби, жавоблар varaқаси, ишлатилмаган тест топшириқлари китоблари, жавоблар varaқаси ва титул varaқалари учун бўш накетлар маъмулигини текшириш;

мазкур Низомига 11-иловада келтирилган жавоблар varaқасини ва жавоблар varaқаси рақамига мос рақамли тест топшириқлари китобларини абитуриентларга тарқатиш;

тест топшириқлари китобининг рақами билан жавоблар varaқаси рақамининг мослигини ҳамда тест материаллари нуқсонсизлигини текшириб чиқиш, жавоблар varaқаси ва тест топшириқлари китоби муқовасида кўрсатилган

тегишли жойга фамилияси, исми, отасынынг исмини ёзиб, имзо күйиш учун абитуриентларга кўрсатма бериш;

